**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРИСТЕТИ**

**“ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ”**
**КАФЕДРАСИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*
УДК: 6585702665801

**ФАЙЗУЛЛАЕВА ГЎЗАЛ АЛИШЕР ҚИЗИ**

# КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ЭКОЛОГИК МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

**70310102– Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)**
**мутахассислиги бўйича**

**Магистр**
**академик даражасини олиш учун ёзилган**

**Д И С С Е Р Т А Ц И Я**

**Илмий раҳбар:**
Иқтисодиёт фанлари доктори,
проф. Б.Салимов

**ТОШКЕНТ – 2023**

Магистрлик диссертация иши “Тармоклар иктисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____40-_____сонли баённома «__28__»____04____2023 й.

Илмий раҳбар: Салимов Б.Т. ____________ ________
имзо сана

Магистрант: Файзуллаева Г.А ____________ ________
имзо сана

Диссертация Иктисодиёт факультетида 2023 йил “__22__” ___05___
№__2/16__ рақами билан рўйхатга олинган.

**“Ҳимояга тавсия этилади”**
“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси
мудири, доц. И.Хотамов ______________
“__8__” май 2023 йил

Ҳимоя 2023 йил “__23__” __05__ соат __10⁰⁰__ да
Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади

# АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида экологик менежментнинг тамойилларига амал қилган ҳолда атроф табиий муҳитнинг барқарорлигини сақлаш, унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган табиий ресурслардан унумли ва самарали фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш борасида аҳамиятга молик ишлар қилинмоқда. Ушбу диссетацияда кон-металлургия саноати корхоналарида экологик менежмент тизими вазифалари, мақсади ва йўналишлари баён этилган. Кон-металлургия саноати корхоналарини барқарор ривожлантиришда экологик менежментдан фойдаланиш йўналишлари таҳлил қилинган. Ҳар бир мамлакат миқёсида экологик менежмент тизими ёндошувининг қисқача мазмуни, функциялари, асосий дастаклари, устунлик ва камчиликлари келтирилган. Аниқланган муаммоларни ечиш мақсадида кон-металлургия саноати корхоналарида экологик менежмент тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Кон-металлургия саноати корхоналарида экологик менежмент тизими такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифалар, илмий янгиликлар ва хулосалар шакллантирилди ҳамда ҳар бир янгиликка мос хулоса ва таклифлар келтирилди.

**Калит сўзлар:** *Кон-металлургия саноати, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, экологик менежмент, иқтисодий ривожланишнинг асосий муаммолари, экологик менежментнинг тамойиллари, ялпи ички маҳсулот, иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий барқарорлик, ялпи худудий маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот.*

## ANNOTATION

In the years of independence in Uzbekistan, following the principles of environmental management, important work is being done to maintain the stability of the natural environment, to use natural resources, which are considered to be an important component of it, and to ensure the ecological safety of the population. In this dissertation, the tasks, goals and directions of the environmental management system in mining and metallurgical enterprises are described. Directions for using environmental management in the sustainable development of mining and metallurgical enterprises are analyzed. A summary of each country's environmental management system approach, functions, key levers, advantages and disadvantages are provided. In order to solve the identified problems, proposals and recommendations on improving the environmental management system in mining and metallurgical enterprises have been developed. Tasks, scientific innovations and conclusions on the improvement of the environmental management system in mining and metallurgical enterprises were formed, and conclusions and proposals corresponding to each innovation were presented.

**Keywords**: *Mining and metallurgical industry, socio-economic, socio-economic development, environmental management, main problems of economic development, principles of environmental management, gross domestic product, economic growth, macroeconomic stability, gross regional product, gross national product.*

# МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| | **КИРИШ** | **7** |
| | Дисертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги | 7 |
| | Тадқиқот мақсади ва вазифалари | 8 |
| | Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари | 9 |
| | Тадқиқот ишининг объекти ва предмети | 9 |
| | Тадқиқот ишининг илмий янгилиги | 10 |
| | Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти | 10 |
| | Диссертация таркибининг қисқача тавсифи | 11 |
| **I БОБ.** | **АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ ВА ТАҲЛИЛИ** | **12** |
| 1.1. | Манбаларда келтирилган тадқиқотлар натижалари | 12 |
| 1.2. | Тадқиқот бўйича ўрганилган адабиётлар шархи | 27 |
| 1.3. | Тадқиқот гипотезаси | 33 |
| **II БОБ.** | **ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ** | **44** |
| 2.1. | Тадқиқот назарий ва методологик асослари | 44 |
| 2.2. | Маълумотларни тўплаш жараёни | 45 |
| 2.3. | Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар | 46 |
| **III БОБ.** | **ТАДҚИҚОТ ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖАЛАР** | **47** |
| 3.1. | Кон-металлургия саноати корхоналари ривожланишининг иқтисодий самарадорлигини таҳлили | 47 |
| 3.2. | Кон-металлургия саноати корхоналарида экологик менежмент усулларидан фойдаланишни такомиллаштириш | 55 |
| 3.3. | Табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасига киритилаётган инвестициялар жозибадорлигини таъминлашнинг экологик менежменти | 72 |
| | **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР** | **83** |
| | **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ** | **87** |
| | **ИЛОВА** | **93** |

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.**

Жаҳон мамлакатлари учун XX аср охири ва XXI аср бошларига хос бўлган асосий ҳаракат кўламини белгиловчи юқори даражадаги иқтисодий ўсиш, жамиятнинг ҳамма жабҳасига ўз таъсирини ўтказиб бораётган бизнес фаолиятини йўлга қўйиш билан белгиланади ва бу хўжалик субъектларининг ижтимоий маъсулиятли элементларидан бири бўлган экологик менежментда муҳим аҳамият касб этади. Экологик менежмент аҳамиятини ортишига сабабчи бўлган бизнес, аҳолининг моддий ва маънавий фаровонлигига бевосита алоқаси бўлиб, уларнинг моддий, ижтимоий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, иқтисодий тенгсизликни камайшига ва ишсизликни бартараф қилишга олиб келади. Шу маънода экологик менежмент хўжалик юритишнинг мақбул ижтимоий-иқтисодий муҳитини ташкил қилишга йўналтирилгандир.

Атроф-муҳит ҳимояси, табиий ресурслардан онгли равишда фойдаланиш, ундан табиат ва жамият уйғунлигини таъминлаган ҳолда, инсонлар учун моддий ва маънавий бойликни таъминлаш асосий масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, экологик менежментнинг умумий тамойилларига амал қилиш ва унинг ижтимоий – иқтисодий самарадорлигини таъминлаш давлатларнинг, биринчи навбатда, АҚШ, ХХР, Буюк Британия, Япония Жанубий Корея, Германия, Россия ва шу бошқалар олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Ривожланган давлатларининг тоғ-кон саноати корхоналарида солиқ юки даражаси бир-биридан кескин фарқ қилади. Жумладан, «кон-металлургия саноати корхоналарининг солиқ юки даражаси Канадада 52,9 фоиз, АҚШда 39,4 фоиз, Австралияда 35,3 фоиз, Россияда 32,9 фоиз, ЖАРда 28,4 фоизга тенг бўлмоқда». COVID-19 пандемияси ва геополитик сиёсат натижасида дунё бозорида қимматбаҳо металлар нархининг кескин ўзгариши шароитида кон-металлургия саноати корхоналарида экологик менежмент тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.